



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 133 (9629).

• 1989 йил 15 июль, •

Баҳоси 5 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Ленинград область комитети плену- ми қатнашчилари ҳузуридаги нутқи

Уртоқлар! Пленумнинг партия активларининг ишида, область партия ташкилотидеги ва Ленинград шаҳридаги вазият ривожининг шу масъуллатли босқичида область партия комитетининг янги биринчи секретари масаласи қандай муҳокама этилиб, ҳал қилинганидан мамнунман.

Бу масалани биз биргаликда ҳал қилганимиз ахши бўлди. Партия Марказий Комитетининг фикрича, айниқса Марказий, Комитетнинг жуда катта имкониятларга эга бўлган энг йирик, энг тажрибали, чиниққан ташкилот — Ленинград партия ташкилоти билан муносабатлари айти шундай бўлиши керак. Ленинград партия ташкилотининг фвол иштирокисиз умуман ва айниқса жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги бурилиш ва ўз тақдирини белгилаш даврида КПССнинг муваффақиятли фаолиятини тасаввур эта олмайман.

Ленинградликлар рўй берган қийинчиликларни ўз партия ташкилоти билан биргаликда ҳал этиб олишларидан ҳаммамиз астойдил манфаатдормиз. Партия ташкилотларининг ва барча коммунистларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлаш орқали бунга эришиш мумкин. Бизда бунинг учун зарур бўлган ҳамма нарса бор.

Менинг бу ерга келишимнинг асосий мақсади сизларга равшан. Мен ўз ваъдамни бажариб, ижораликлар билан учрашганимиз ҳам режалаштирган эдим. Бу коллектив билан танишув, норасмий, ошқора вазиятдаги суҳбатлар иқтисодий, социал турмушимиздаги

ўзгаришларнинг миқёслари ва руҳини, ишчилар синфи орасидаги қайфиятлар фарқини яна бир бор ҳис қилиш имконини берди.

Ижораликларнинг қайта қуриш тақдирини учун, Ленинград шаҳри ва областидек муҳим сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий марказдаги ишларнинг бориши учун ижораликлар олаётган ҳавотирликни ахши тушундим. Ишчилар билан бўлган суҳбатлар таассуроти остида ва кеча район, шаҳар партия комитетларининг секретарлари билан обкомда бўлиб ўтган фикрлашувлар таъсири остида менда баъзи бир долзарб масалалар ҳусусида асосий фикрларни гарчи қисқача таърифлаб бўлса ҳам айтиб ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Партия билан мамлакат ҳозир ўз тарихининг мураккаб, эҳтимолики, энг мураккаб давларидан бирини бошдан кечирмоқдалар. КПССнинг ташаббуси билан авж олдириб юборилган ижтимоий турмушнинг революцион тарзда қайта қуриш ҳозир жамиятнинг чуқур қатламларига кириб бормоқда, аҳоли барча гуруҳларининг манфаатларини қамраб олмақда. Биз яшаб турган пайтнинг ҳусусияти мана шундан иборат. Биз шундай бўлишини олдиндан билган эдик.

Қайта қуриш сиёсати — жамиятимизда вужудга келган амалий вазиятга мос бўлиб тушадиган, одамларнинг манфаатларига мувофиқ келадиган сиёсатнинг ўзгичасидир. Бу сиёсатнинг ривожланишида энди иккинчи ва энг муҳим босқич — биз ишлаб чиққан концепцияни амалда рўёбга чиқариш даври бошланди.

Қайта қуриш ҳусусидаги, биз уни қандай тасаввур этаётганлигимиз ҳусусидаги кўпгина мунозара ва митинглар даври ўтди. Шундай бўлиши зарур эди. Бу давр жамиятни уйғотди, фикр ҳаракатга келди. Ҳар бир кишининг бу ҳусусда айтadиган гаплари борлиги аниқланди.

Қайта қуриш концепциясининг турмуш билан яқинлашуви ҳақиқатан ҳам ҳар бир кишини кўзғатади, ҳамма соҳани: экономикани, сиёсатни, социал ва маънавий соҳаларни қамраб олади. У меҳнат коллективларига таъсир қилади, Советларни, партияни, бошқарув органларини, армияни, маъмурий органларни, илм-фани, маданиятни, миллатлараро муносабатларни ўз ичига олади.

Бизнинг юртимиздек бепоён мамлакатда қайта қуриш ишларининг кўлами улғувдордир. Биз қандайдир пардоз-андоз, юзаки иш билан чекланмасликка қарор бериб, жамиятимизни революцион тарзда ўзгартириш йўлига ўтдик. Қайта қуриш жараёнида қийинчиликлар, зиддиятчи ҳолатлар, манфаатларнинг тўқнашувлари рўй бераётганини қуриб турибмиз. Бунинг сабаблари маълум. Биз мамлакатни ва жамиятни бошқаришнинг эски усулларидан, одат бўлиб қолган сийқа фикрлар ва ҳаракатлардан воз кечаямиз. Биз буйқўбозлик-маъмуриятчилик усулларидан, зўрликдан, давлат, хўжалик, совет, жамоат органларининг вазифаларини қоршиштириб юбориш ва такоррлашлардан воз кечаямиз.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

13 июль, эрталаб соат 10. СССР Олий Советининг мажлислар зали депутатлар билан лиқ тўлди. Раислик қилувчи М. С. Горбачев СССР Олий Совети биринчи сессиясининг навбатдаги мажлисини очиб, деб эълон қилади.

Депутатлар СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси лавозимига тавсия этилган Г. А. Ягодин номзодини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Депутатлардан С. В. Пильников, В. В. Якушкин, С. Я. Батишев, Р. О. Бозорова, А. И. Коновалов, Л. И. Михайлова, Г. А. Черник, В. Е. Голоснев, Р. С. Ахметова, Ю. А. Рыков, В. Г. Разумовский ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини айтдилар.

Г. А. Ягодин кўпчилик овоз билан СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси этиб тайинланади.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси лавозимига М. Ф. Ненашев номзоди тавсия этилади.

Депутатлар М. Ф. Ненашев номзодини муҳокама қилишга киришадилар. Депутатлардан У. Ш. Орозова, А. Н. Пенягин, Е. Д. Доган, В. А. Волков, А. Ф. Мухторов, В. В. Косигин мулоҳаза ва таклифларни айтдилар.

СССР Олий Совети М. Ф. Ненашеви СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси этиб тайинлайди.

А. И. Камшаловни СССР Давлат кинематография комитетининг раиси лавозимига тайинлаш тўғрисида таклиф қилинади.

Сессияда депутатлар илгари ўртага қўйган айрим муаммолар кўриб чиқилди.

Жумладан, академик, эрмитаж директори Б. Б. Пиотровскийнинг телеграммаси ўқиб эшиттирилди, ушбу телеграммада Ленинград область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Г. В. Романов музей хазинасидаги ноёб идишлардан фойдаланганиги ҳақидаги гап рад этилган.

Тоғли Қорабоғдаги вазиятга тааллуқли телеграммалар муносабати билан бу ердаги аҳоли нормалаштириш учун барча чоралар қўрилатгани айтилди. Кечагина СССР Олий Советининг комиссияси тузилганлиги бунга ёрдам бериши керак. Раислик қилувчи Тоғли Қорабоғ автоном области аҳолисига мурожаат қилиб, ақл-идрок билан иш кўришга даъват этди, у депутатларнинг Тоғли Қорабоғда содир бўлаётган воқеалар ҳақида пухта ўйлаб, босқ-вазминлик билан ахборот бериш лозимлиги тўғрисидаги фикрига қўшилди.

Депутат Н. В. Босенко пенсияларнинг энг кам миқдорини ошириш муаммосига шу сессиянинг ўзидек қайтишни илтимос қилди.

Н. И. Рыков масалани жиддий ўрганиш керак, деб таъкидлади. Чунки, илгари айтиб ўтилганидек ана шу мақсад учун қўшимча тарзда 6 миллиард сўм топиш зарур. У тегишли қонун лойиҳасини 1 сентябрда тақдим этишни таклиф этди, бу лойиҳани кузги сессияда муҳокама қилиш мумкин бўлади.

Депутатлар бу фикрга қўшилдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЭРТАГА МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ



БЕКОВОД металлургия комбинати навли-прокат цехида меҳнат қилаётган бу парафли насб агалари ўз байрамларини муносиб сов-

галар билан кутиб олишяпти. Улар бир неча ойларни цехни ижарага олиб ишлаб, смена планларини 10—15 процент ортгани билан бажаришга муваффақ бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: ушбу коллективда ўн беш йилдан бери операторлик қилиб келаётган Дон Харонин (чап-

да), илгор жуваловчилар бригадаси аъзоларидан А. Холматов, И. Жданов, У. Усеннов, А. Селезень, А. Жамолиддинов, В. Каримов,

Ш. Иўлошев ва С. Рахматуллаевларни (чапдан ўнгга) кўриб турибсиз.

А. Зуфаров расмга олган.



